**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ**
**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

(ЎзМУ ректори)

202__ йил “__” ________

# СИЁСИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

## ФАНИНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

| | |
|---|---|
| **Билим соҳаси:** | 300 000 – Ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот |
| **Таълим соҳаси:** | 310 000 – Ижтимоий ва хулқ атворга оид фанлар |
| **Таълим йўналиши:** | 60310700 – Сиёсатшунослик |

Тошкент-2021

| Фан/модуль коди | Ўқув йили | Семестр | Кредитлар | |
|---|---|---|---|---|
| STTB-107 | 2021-2022 | 1 | 7 | |
| Фан/модуль тури | Таълим тили | | Ҳафтадаги дарс соатлари | |
| Мажбурий | Ўзбек | | 6 | |

| 1. | Фаннинг номи | Аудитория машғулотлари (соат) | Мустақил таълим (соат) | Жами юклама (соат) |
|---|---|---|---|---|
| | Сиёсий таълимотлар тарихи | 90 | 120 | 210 |

**2.**

**I. Фаннинг мазмуни**

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларни қадимги дунёдан ҳозирги давргача эволюциявий тарзда ривожланаётган сиёсат, унга доир асосий концепциялар билан таништириш.

Фаннинг вазифаси – жаҳон сиёсий фикрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши босқичлари яъни: қадимги дунёнинг турли минтақаларида сиёсий фикрнинг келиб чиқиши ва ривожланиши; ўрта асрлар ва уйғониш давридаги сиёсий тафаккур ривожланишининг асосий йўналишларини, буюк мутафаккирларнинг қарашларини ёритиш; янги замондаги сиёсий таълимотларнинг ижтимоий ходисаларни билишдаги ўрни, роли ва аҳамиятини тушунтириш; энг янги замондаги сиёсий қарашлар, мактаблар қарор топиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари, уларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш.

Талабаларнинг истиқболда давлат ва сиёсат соҳаларида тадқиқотларни ривожлантириш ва умумжаҳон сиёсий тамойилларини баҳолай олиш қобилиятини эгаллаши учун жаҳон сиёсий таълимотини ривожланишига ҳисса қўшган мутафаккирларнинг вакиллари томонидан ишлаб чиқилган сиёсатга оид назарияларни мустақил равишда таҳлил этиш кўникмаларини шакллантириш; талабаларни фанни ривожлантиришга оид таҳлил қилиш ва тизимли ёндашувга ўргатиш.

**II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**
**II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:**

**1-мавзу. Сиёсий таълимотлар тарихи фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.**

Жаҳон сиёсий таълимотлар тарихи – инсоният маънавий маданиятининг муҳим таркибий қисми. Уни ўрганишнинг зарурлиги ва маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамияти. Сиёсий таълимотлар тарихи фани сиёсатшуносликнинг таркибий қисми. Унинг тадқиқот объекти, предмети, мақсади ва вазифалари, тузилиши, манбалари. Сиёсий таълимотлар тарихини ўрганишнинг методологик тамойиллари ва ижтимоий фанлар билан алоқадорлиги.

| | |
|---|---|
| | **Ахборот манбаалари**<br>1. www.prezident.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти<br>2. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.<br>3. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.<br>4. www.ziyonet.uz – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Таълим портали |
| **7.** | **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.** |
| **8.** | **Фан/модуль учун маъсул:**<br>Э.Нишанбаева – ЎзМУ,Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими кафедраси доценти, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD). |
| **9.** | **Тақризчилар:**<br>И.Эргашев – ЎзМУ,Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими кафедраси профессори, с.ф.д.<br>Ф.Ҳикматов – ТДТУ “Фалсафа ва миллий ғоя” кафедраси доценти вазифасини бажарувчиси, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD). |



| | |
|---|---|
| | **2-мавзу. Қадимги Шарқ сиёсий таълимотлари.**<br>Қадимги Шарқда сиёсатга доир тасаввурлар шаклланишининг тарихий ва сиёсий шарт-шароитлари. Сиёсий билимлар шаклланишининг диний-мифологик босқичи. Сиёсий фикрнинг ибтидоси: афсоналар, диний тасаввурлар. Қадимги сиёсий-ҳуқуқий ёдгорликлар: “Авесто”, “Ўгитлар”, “Хаммурапи қонунлари”. Қадимги Миср сиёсий таълимотлари. Қадимги Бобил сиёсий таълимотлари. Қадимги Туронда сиёсий қарашлар (“Авесто”).<br><br>**3-мавзу.Қадимги Ҳиндистондаги сиёсий фикрлар шаклланиши.**<br>Қадимги Ҳиндистон сиёсий фикрининг даврлари. Брахманизм мафкураси ва унинг манбалари. Ведалар, дхармасутралар ва дхармашастрилар. “Ману қонунлари”- муҳим сиёсий-ҳуқуқий ёдгорлик. Буддизм ва жайнизм манбалари. *Каутилье* ва унинг артхашастраси. “Шоҳ Ашокнинг ёзувлари”, “Махабхарата”нинг сиёсий ғоялари. Командаканинг “Нитисара” асари.<br><br>**4-мавзу. Қадимги Хитойдаги сиёсий фикрларнинг шаклланиши.**<br>Даоцизм - қадимги Хитой фалсафий ва ижтимоий-сиёсий оқимларидан бири. *Лао Цзи* (мил.ав. VI аср) – Даоцизм асосчиси. Унинг “Дао –дэцзин” асари. *Конфуций* (мил.ав. 551-479 йй.) ва унинг Хитой сиёсий фикри тарихидаги фундаментал роли. “Лунь Юй”. (“Суҳбатлар ва ҳикматли сўзлар”). *Мо-Цзи* (мил.ав. 479-400 йй.)нинг давлат ҳақидаги таълимоти. *Шан-Ян* (мил.ав.390-338йй.) –легизмнинг таниқли назариётчиси ва “Қонунчилар мактаби”нинг асосчиларидан бири.<br><br>**5-мавзу. Қадимги Юнонистондаги сиёсий фикрларнинг вужудга келиши ва ривожланиши.**<br>Қадимги Юнонистондаги сиёсий фикрларнинг вужудга келиши ва ривожланишининг даврлари: илк (мил.ав. IX-VI асрлар) даври, гуллаб-яшнаган даври (мил.ав. V- IV асрнинг 1-ярми), Эллинизм даври (мил.ав. IV асрлар). Давлат ва сиёсат тўғрисида мифологик тасаввурлар. Қадимги Юнонистонда сиёсий фикрлашнинг ривожланиши.<br>Қадимги Юнон мутафаккирларининг асарларида давлат ва ҳуқуқ муаммолари. Эллинизм даври сиёсий таълимоти. Аристотель ва ва унинг “Сиёсат” асари”. Платон ва унинг “Давлат” асари. Юнонистон сиёсий таълимотларининг ҳуқуқий давлат қуришда, фуқаролик жамиятини шаклантиришда тутган ўрни ва роли.<br><br>**6-мавзу.Римдаги сиёсий таълимотлар.**<br>Қадимги Рим давлатчилиги тарихи: подшоҳлик, республика, императорлик даврлари. Римда сиёсий тафаккурлаш ва унинг турли йўналишлари.<br>*Лукреций Кар* (м.авв.99-55 йй.) табиат, инсон муаммолари ҳақида. Унинг давлат пайдо бўлишининг шартномавий характери тўғрисидаги тасаввурлари.<br>*Марк Туллий Цицерон* ( м.авв. 106-43 йй.) – таниқли Рим нотиғи, давлат арбоби ва мутафаккири. Унинг “Давлат ҳақида”, “Қонунлар ҳақида”, “Бурчлар |

ҳақида” ва б. асарларида сиёсий-ҳуқуқий масалаларининг ёритилиши. Давлатнинг моҳияти. Давлат бошқарувининг оддий шакллари. Уларнинг ютуқлари ва камчиликлари. Давлат бошқарувининг энг яхши, аралашган шакли. Ҳақиқий давлат арбоби ва мукаммал фуқаро. Рим стоикларининг сиёсий қарашлари.

**7-мавзу. Ўрта асрларда Европадаги сиёсий ғоялар.**

Ўрта асрларда сиёсий ғоялар шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари. Неоплатонизм. Илк христиан апологетлари. Августиннинг сиёсий доктринаси. Фома Аквинскийнинг сиёсий қарашлари. Александрия мактаби. Теологик сиёсий назария. Черков ва жамият. Схоластика даври сиёсий фикрлари. Универсализм (реализм) ва номинализм. Европада еретиклик таълимоти ва ҳаракати.

**8-мавзу.Араб-мусулмон дунёсидаги сиёсий фикрларнинг шаклланиши.**

Араб-мусулмон сиёсий фикри – жаҳон сиёсий фикрининг кўринишларидан бири. Унинг вужудга келиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари. Давлат ва сиёсатни ўрганишда меъёрий-ҳуқуқий ва аҳлоқий-фалсафий ёндошувлар. Ислом сиёсий-ҳуқуқий мафкураси. *Муҳаммад пайғамбар* (569-632 йй.)нинг қарашлари. “Қуръони карим”, “Ҳадислар”даги “имомлик” ва “халифалик” тўғрисидаги қарашлар. Мусулмон сиёсий фикрининг йўналишлари ва мактаблари. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари. “Соф биродарлар” (Х аср)нинг сиёсат ҳақидаги қарашлари. *Аль Мавардий* – халифалик ҳақида. *Ибн Холдун* – буюк араб файласуфи. Унинг “Муқаддима” рисоласида илгари сурган ғоялари.

**9-мавзу. Ўрта асрларда Марказий Осиё мутаффаккирларнинг сиёсий таълимотлари.**

Ўрта асрларда Марказий Осиёдаги сиёсий фикрнинг ўзига хос хусусиятлари. *Абу Наср Форобий* (873-950 йй.) – ўрта асрлар даврининг энг буюк мутафаккирларидан бири. Унинг “Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари”, “Бахтга эришиш ҳақидаги трактат», “Уруш ва тинч-тотув яшаш ҳақида”, “Давлат арбоблари ҳақида афоризмлари” ва б. асарларида сиёсат, давлат ҳақидаги таълимотнинг ишлаб чиқилиши ва аҳамияти.

*Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк* асарларида сиёсат, давлат ҳақидаги таълимотлар. *Амир Темур* (1336-1405 йй.) – буюк давлат арбоби ва саркарда. “Темур тузуклари” – ўрта асрлар сиёсий фикрининг ноёб ва бебаҳо манбаи. *Алишер Навоий* (1441-1501 йй.) – ўрта асрлар жаҳон маънавий маданиятининг буюк сиймоси. Унинг “Вақфия”, “Садди Искандарий”, “Тарих низоми” ва бошқа асарларидаги сиёсий ғоялар.

**10-мавзу. Уйғониш ва ислоҳотчилик даврининг сиёсий таълимотлари.**

Уйғониш ва ислоҳотчилик даврининг сиёсий ғоялари. Уйғониш даврида сиёсий жараёнларнинг зиддиятлашуви.Сиёсий фикрлашдаги янгиликлар.




11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020 йил 28 декабрь).

12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябр “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сон Фармони.

14.Аристотель. Политика. Соч. в 4 т.–Москва: Мысль, 1983.

15. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Янги аср авлоди, 2018.-320 б.

16.Бобоев Ҳ.Б. таҳрири остида муаллифлар жамоаси. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. ТДЮИ. –Т:. 2003.Б.203.

17.Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулук. –Тошкент: Адолат, 1997.

18.Макиавелли Н. “Ҳукмдор”. “Жаҳон адабиёти”, 2002 йил. № 9. 192 б.

19.Маънавият юлдузлари” (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар алломалар, адиблар). –Т:. 1999.

20.Муҳитдинова Ф. “Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи”. Ўқув қўлланма. ТДЮИ. –Т:. 2003.

21.Муҳитдинова Ф. Ўзбекистон халқларининг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари тарихи. ТДЮИ, – Т.: 2004.

22.Исмоил Гаспринский ва Туркистон / Масъул муҳаррир Наим Каримов.–Т:. Шарқ, 2005. Б.288.

23.Темур тузуклари /Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳрири остида. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр.,1996.

24.Қирғизбоев М. Партология. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Akademiya, 2007.

25.Шарипов Р., Муҳитдинова Ф. Ўзбекистон халқлари сиёсий – ҳуқуқий таълимотлари тарихи. ТДЮИ. –Т:. 2004.

26. Цицерон. Диалоги о государстве, о законах. –Москва: 1966.

Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. Ўқув қўлланма. –Т:. 2002.

27.Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Акад. М.М. Хайруллаев таҳрири остида. ОЎЮ талабалар учун ўқув қўлланма. – Т.: 1995.

28.Назаров Қ. Ғарб фалсафаси. –Т:. 2004.

29.Эргашев И. ва бошқалар. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланма. –Т:. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.

30.Пугачёв В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. –Т:. Янги аср авлоди, 2004.

31.Одилқориев Т., Раззоқов Д. Сиёсатшунослик. Дарслик. –Т:. Ўқитувчи, 2011.

| | |
|---|---|
| 6. | **Асосий адабиётлар** |

1. Нерсесянц, В.С. История политических и прав.учений: Уч.: В 2 т.Т.2 / В.С. Нерсесянц. – М.: Норма, 2018. С.352.

2. Ирхин Ю. В. Политология в 2 ч. 1.История политической мысли. 2-е изд., испр. и доп. Учебник для вузов М.: Издательство Юрайт, 2020,С.370.

3. Бобоев Ҳ.Б. таҳрири остида муаллифлар жамоаси. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. ТДЮИ. –Т:. 2003.Б.203.

4. Мухиддинова Ф.А. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. –Т.: ТДЮИ. 2011. Б.376.

5. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланма. –Т.: Янги аср авлоди, 2013.Б.524.

6. Қуранбаев Қ., Мирзаахмедов К. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланма, –Т.: Камалак. 2013.

**Қўшимча адабиётлар**:

1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Т.:“Ўзбекистон”, 2019.Б.79.

2.Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон. 2017.

3.Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 жилд. –Т.: Ўзбекистон, НМИУ. 2017.

4.Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд. –Т.: Ўзбекистон, НМИУ. 2018.

5.Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3 жилд. –Т.: Ўзбекистон, НМИУ. 2019.

6.Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4 жилд. –Т.: Ўзбекистон, НМИУ. 2020.

7. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: Ўзбекистон, НМИУ. 2021.

8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.// –Т.: Адолат, 2017. Б.12.

9.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 979-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,19.01.2018 й., 06/18/5304/0591-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 19.03.2020 й., 06/20/5968/0331-сон)

10.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020 йил 24 январь) //https://nrm.uz/contentf?doc=612868_o‘zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirzieevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_(2020_yil_24_yanvar).



Реформациянинг сиёсий ғоялари. Реформациянинг диний жиҳатлари.Утопик-социалистларнинг сиёсий қарашлари. *Мартин Лютер* – ислоҳотчилик ҳаракатининг назариётчиси. *Томас Мюнцер, Томас Мор*нинг “Утопия” асаридаги сиёсий ғоялар. *Николло Макиавелли* – уйғониш даврининг буюк мутафаккири, янги сиёсий фаннинг асосчиси. *Жан Баттист Вико* – комусий мутафаккир, файласуф, тарихчи, лингвист, ҳуқуқшунос. *Жан Боденнинг* давлат ҳақидаги таълимоти.

**11-мавзу. Янги давр сиёсий таълимотлари.**

Янги даврда сиёсий назарияларнинг ривожланиши. Илк буржуа инқилобларининг сиёсий назария ва сиёсий мафкураларга таъсири. Табиий-ҳуқуқий ва шартнома назарияларининг сиёсий назарияларда институтлашуви. Гуго Гроций, Бенедикт Спиноза ва уларнинг сиёсий қарашлари. Томас Гоббснинг сиёсий таълимоти. Жон Локкнинг сиёсий ғоялари.

**12-мавзу.Маърифатчилик даври сиёсий таълимотлари.**

Маърифий абсолютизм ва улар ғоясининг сиёсий жиҳатлари. Энциклопедиячиларнинг сиёсий ғоялари. Франсуа Мари Вольтернинг сиёсий қарашлари. Шарль Луи Монтескье сиёсий таълимоти. Жан-Жак Руссонинг сиёсий қарашлари. Маърифатчилик даврининг радикал таълимотлари: утопик-социалистлар, якобинчилар, бабувистлар. Италия маърифатчилиги. Ж. Виконинг тарих концепцияси. Инглиз маърифатчилигининг ўзига хос жиҳатлари. Д.Юм сиёсий либерализми. Адам Смит таълимоти ва сиёсат.

**13-мавзу. АҚШ сиёсий таълимотлари тарихи.**

Табиий-ҳуқуқий ва шартнома назарияси Америка давлатчилиги мафкураси сиёсий таълимотининг назарий асоси. Республикачилик ва гомруль ғоялари. АҚШ оталарининг сиёсий таълимоти: А.Гамильтон; Ж.Мэдисон; Т.Жефферсон; Т.Пейн. Давлат ҳокимияти тузилиши, давлат, жамият ва шахс ўзаро муносабатлари асосий принципларини асосланиши. XVIII аср охири – XIX бошларида АҚШ сиёсий мафкурасининг асосий йўналишлари.

**14-мавзу. Янги даврдаги Ғарбий Европада сиёсий таълимотлар ривожи.**

И.Кант ва Г.Гегель сиёсий таълимотининг асослари. XIX аср биринчи ярмида консерватизм, позитивизм, либерализм сиёсий мафкураларининг шаклланиши. Утилитар қарашлар эволюцияси. Немис либерализми. Бенжамен Констан ва Алексис де Токвиль сиёсий қарашлари. Иеремия Бентам ва унинг сиёсий қарашлари. Огюст Кантнинг сиёсий қарашлари. XIX асрдаги социалистик таълимотлар. Анри Сен-Симон, Шарль Фурье ва Роберт Оуэннинг сиёсий қарашлари. Анархизм, марксизм, коммунизм сиёсий таълимоти. Эволюция назарияси ва унинг сиёсий фанлар учун аҳамияти. А.Шопенгауэр, Ф.Ницше ва Г.Спенсер сиёсий ғоялари.

| | |
|---|---|
| | **15-мавзу. XVII – XIX асрларда Марказий Осиёдаги сиёсий таълимотлар.**<br>Марказий Осиёдаги ижтимоий – сиёсий жараёнларнинг асосий хусусиятлари. Турли сулолалар, уруғ – аймоқлар ўртасидаги ўзаро курашнинг кучайиши, Темурийлар давлатининг парчаланиб кетиши ва майда мустақил давлатлар – Бухоро, Хива, Қўқон хонликларининг пайдо бўлиши. Уларнинг инқирозли аҳволи, Россия қарамлигига тушиб қолиши. Бу ҳодисаларнинг ижтимоий – сиёсий фикрда акс топиши.<br>Турди Фароғий ва Огаҳийнинг сиёсий қарашлари. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Марказий Осиёдаги маърифатпарварлик ғоялари. *Аҳмад Дониш, Бердимурод ўғли Бердақ, Муқимий.* Уларнинг ижтимоий адолат, маърифат ҳақидаги ғоялари. *Фурқат, Сатторхон* сиёсий қарашларнинг асосий хусусиятлари.<br>**16-мавзу. XX аср Ғарбий Европа сиёсий таълимоти**<br>Сиёсий фикрлашнинг макиавеллизм мактаби. М.Веберниинг сиёсий назарияси. Национал-социализмнинг тоталитар мафкураси. Неомарксизм сиёсий назарияси (Франкфурт мактаби). Неотомизм сиёсий назарияси. Ф.фон Хайекнинг сиёсий қарашлари. К.Попперниинг сиёсий қарашлари. Сиёсатга постмодернистик ёндашув. О.Шпанглернинг прусс социализми ғоялари. К.Шмитт сиёсий ғоялари. В.Парето, Г.Моска, Р.Михельс, Ж.-П.Сартр, А.Камю сиёсий қарашлари.<br>**17-мавзу. XX аср бошларида жадидларнинг сиёсий қарашлари**<br>Жадидчилик ҳаракатининг келиб чиқиши тарихий шарт-шароитлари. Жадидчилик маърифатининг сиёсий жиҳатлари. Жадидларнинг сиёсий қарашлари: Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Мунаввар Қори, Аҳмад Заки Валиди Тўғон, Файзулла Хўжаев. Жадидларнинг миллий давлатчиликка оид қарашлари. Жадидларнинг феодал тузумга қарши кураши. Жадидлрнинг сиёсий мафкуралари. Жадидларнинг совет тузумига қарши кураши.<br>**18-мавзу. XX асрда Ҳиндистон ва Хитойдаги сиёсий ғоялар ва таълимотлар**<br>XX асрнинг 1-ярмида Ҳиндистон сиёсий фикрининг ўзига хос хусусиятлари. Унинг ҳинд халқи – озодлик ҳаракати билан узвий боғлиқлиги. Британия ҳукмронлигини тугатиш ва миллий мустақилликни тиклаш – XX асрнинг биринчи ярмидаги сиёсий фикрнинг бош мазмуни. *Махатма Ганди* – XX аср Ҳиндистон сиёсий фикрининг буюк намоёндаларидан бири. *Гандизм диний* – фалсафий, ижтимоий – сиёсий қарашлар тизими. *Жавахарлал Неру* – Ҳиндистоннинг сиёсий мутафаккири ва сиёсий арбоби. *Хитойнинг сиёсий фикри.* XX асрнинг 1 – ярмида Хитой сиёсий фикрининг ривожланиши. *Сунь Ятсен* – инқилобчи, демократ, сиёсий арбоб, Хитойдаги миллий озодлик ҳаракатининг раҳбарларидан бири. *Мао Цзедун* – Хитой комунистик партияси раҳбарларидан бири, сиёсий арбоб. Унинг янги демократия таълимоти. *Дэн* |



| | |
|---|---|
| | даврлаштириши.<br>66.Ф.Фукуяманинг “Тарихнинг тугаши” асари.<br>67. Алексис Токвильнинг сиёсий концепцияси.<br>68. XIX аср биринчи ярмида немис либерализми (В.Гумбольд, Л.Штейн).<br>69. Ж.Ж.Руссонинг сиёсий қарашлари<br>70.Глобал бошқарув ва БМТни ислоҳ этиш муаммолари.<br><br>Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади. |
| 3. | **V. Таълим натижалари / Касбий компетенциялари**<br>**Талаба билиши керак:**<br>• Талабалар мазкур фаннинг якунида жаҳон сиёсий фикрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши босқичлари ҳақида, қадимги дунё, ўрта асрлар ва уйғониш даври, янги ва энг янги замоннинг сиёсий таълимотлари тўғрисида тўғри ва аниқ билимларга, ***тасаввурга эга бўлиши;* (билим)**<br>• сиёсий жараёнлар ва муносабатларни тадқиқ этиш малакаларини, таҳлил усулларини, сиёсат, давлат ва ҳокимиятга оид тасаввурларни шарҳлаш малакасини эгаллаш;<br>• сиёсий ва гуманитар фанлар тизимида сиёсий таълимотлар тарихининг ўрни, сиёсат олами тўғрисида билимларни эгаллашнинг аҳамияти, сиёсий таълимотлар тарихи фанида ишлатиладиган тушунча ва ибораларнинг мазмунига оид назарий билимларни эгаллаш;<br>талаба сиёсий таълимотлари тўғрисида тўғри ва аниқ билимларга эга бўлиш асносида, уларни ҳозирги Ўзбекистон ва дунёдаги сиёсий жараёнларни таҳлил қилишда қўллай олиш, янги ғояларни илгари суриш малакаларига эга бўлиш, сиёсий муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.* (малака)** |
| 4. | **VI. Таълим технологиялари ва методлари:**<br>• маърузалар;<br>• интерфаол кейс-стадилар;<br>• семинарлар (мантиқий фиклаш, тезкор савол-жавоблар);<br>• гуруҳларда ишлаш;<br>• тақдимотларни қилиш;<br>• индивидуал лойиҳалар;<br>• жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар. |
| 5. | **VII. Кредитларни олиш учун талаблар:**<br>жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни муваффақиятли топшириш. |

бадиий таҳлили.
27. Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асари ва унинг аҳамияти.
28. Амир Темур – буюк давлат арбоби ва саркарда.
29. “Темур тузуклари” – ўрта асрлар сиёсий фикрининг ноёб ва бебаҳо манбаи.
30. Алишер Навоий – ўрта асрлар жаҳон маънавий маданиятининг буюк сиймоси. Унинг “Вақфия”, “Садди Искандарий”, “Тарих низоми” ва бошқа асарларидаги сиёсий ғоялар.
31. Никколо Макиавеллининг сиёсий назарияси.
32. Жан Боден ва унинг давлат суверенитетига оид таълимоти.
33. Гуго Гроций ва Бенедикт Спинозаларнинг сиёсий қарашлари.
34. Томас Гоббснинг сиёсий таълимоти.
35. Жон Локкнинг сиёсий ғоялари.
36. Шарль Луи Монтескье сиёсий таълимоти.
37. Жан-Жак Руссонинг сиёсий қарашлари.
38. АҚШ оталарининг сиёсий таълимоти.
39. XVIII аср охири – XIX бошларида АҚШ сиёсий мафкурасининг асосий йўналишлари.
40. И.Кант ва Г.Гегель сиёсий таълимотларининг асослари.
41. Бенжамен Констан ва Алексис де Токвиль сиёсий қарашлари.
42. Иерамия Бентам ва унинг сиёсий қарашлари.
43. Огюст Кантнинг сиёсий қарашлари.
44. К.Попперниннг сиёсий қарашлари. Сиёсатга постмодернистик ёндашув.
45. Т.Фароғий, Б.Машраб, М.Бедилнинг сиёсий қарашлари.
46. Муқимий, Фурқатнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари.
47. Жадидчилик ҳаракатининг келиб чиқиши тарихий шарт-шароитлари.
48. Аҳмад Дониш ва Бердақнинг сиёсий қарашлари.
49. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг сиёсий қарашлари.
50. Абдулла Қодирий асарларида сиёсий жараёнлар.
51. Абдурауф Фитратнинг сиёсий қарашлари.
52. Мунаввар Қорининг сиёсий қарашлари.
53. Аҳмад Заки Валиди Тўғоннинг сиёсий қарашлари.
54. XX асрдаги сўл ва сўл радикал ғоялар.
55. XX аср бошларида Европа классик социал-демократияси. 5
56. К.Каутскийнинг сиёсий қарашлари.
57. Э.Бернштейннинг сиёсий қарашлари.
58. Шарль де Голлнинг сиёсий қарашлари.
59. Р.Рейганнинг сиёсий қарашлари.
60. М.Тэтчернинг неконсерватик сиёсати.
61. Маҳатма Ганди ва гандизм.
62. XXI асрдаги глобал сиёсий муаммолар.
63. Терроризм эволюциясининг асосий босқичлари.
64. Сиёсатни коммуникатив ва куч ишлатиш сифатида шарҳлаш.
65. С.Хантингтон ва Ф.Шмиттерни демократик тўлқинларини



*Сяопин* – Хитой комунистик партияси раҳбарларидан бири, сиёсий арбоб. Унинг социализмни ислоҳ қилиш концепцияси.

**19-мавзу. XX асрдаги замонавий сиёсий назария ва таълимотлар.**

XX асрдаги сўл ва сўл радикал ғоялар. Ленинизм ва большевизм. Давлатнинг синфийлашуви ва сифий зиддиятларнинг карама-қаршилиги. “Янги типдаги партия” ва коммунистик ғоя. Социализм ғоясини синфийлашуви. XX аср бошларида Европа классик социал-демократияси. К.Каутский, Э.Бернштейннинг сиёсий қарашлари. 1920-1930 йилларда либерализм инқирози ва унинг модернизациялашуви. Либерализмнинг инглиз саксон ва континентал-европа анъаналари. Инсоний индивидуаллик ва эркинлик муаммолари. Ғарб давлатларининг неоконсерватик тажрибаси. Ш.де Голль, Р.Рейган, М.Тэтчер. Фашизм ва унинг келиб чиқиш сабаблари. “Совуқ уруш” сиёсатининг барҳам топиши.

**20-мавзу. XX асрдаги сиёсий замонавий концепциялари.**

Икки сиёсий тизимлар ўртасида ўзаро курашлар жараёнининг ривожланиши ва консерватизм концепциясининг вужудга келиши. Ханна Арендт, Збигнев Бжезинский, Карл Фридрих асарларида демократия ва тоталитаризм назарияси. Тоталитар диктатура белгилари. Совуқ уруш сиёсати. Г.Трумэн, У.Черчилль Ғарб ва Шарқ қарама-қаршиликлари ҳақида. Собиқ Совет иттифоқининг халқаро доктринаси. Европа социал-демократияси мафкурасидаги ўзгаришлар. Социалистик Интернационал. В.Барандт, У.Пальме. Ижтимоий тинчлик ва ижтимоий шерикчилик концепцияси. О.Тоффлер. Неоконсерватизм, Неолиберализм. Хусусий мулкчиликни ривожлантириш индивидуал эркинликни таъминлаш омили сифатида.

**21-мавзу. Жаҳон сиёсати назариясининг XXI асрдаги муаммолар ва ечимлари.**

Глобаллашув сиёсий ва иқтисодий жараён сифатида. XXI асрдаги глобал муаммолар. Барқарор ривожланиш концепцияси. Жаҳонда сиёсий фанларнинг ривожланиши. Террорчилик. Экстремизм. Терроризм эволюциясининг асосий босқичлари. Террорчиликка қарши курашнинг объектив ва субъектив муаммолари. Сиёсатни коммуникатив ва куч ишлатиш сифатида шарҳлаш. “Демократия тўлқинлари”. С.Хантингтон ва Ф.Шмиттерни демократик тўлқинларини даврлаштириши. Ф.Фукуяманинг “Тарихнинг тугаши” асари. “Неомондиализм”нинг шаклланиши. “Кучларнинг сочилиши” сиёсий модели. Глобал бошқарув ва БМТни ислоҳ этиш муаммолари.

**22. XX-XXI асрларда Ўзбекистондаги сиёсий фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши.**

*XX асрнинг бошларида* Марказий Осиёдаги жадидлик сиёсий ғояларининг вужудга келиши. М.Беҳбудий, А.Фуркат, А.Қодирий, А.Чўлпон ва бошқа

жадидларнинг миллий мустақил давлатчилик ҳақидаги қарашлари ва уларнинг аҳамияти. *XX асрнинг 20 – 80 йилларида* Ўзбекистондаги сиёсий фикр. Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Усмон Юсупов, Шароф Рашидов ва бошқа атоқли давлат ва жамоат арбобларининг сиёсий қарашлари.

*XX асрнинг охири XXI асрнинг бошида* Ўзбекистонда сиёсий фикрнинг янгиланиши. Истибдод мафкурасидан воз кечилиши ва миллий истиқлол мафкурасининг шаклланиши. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов (1938-2016 йй.) нинг сиёсий фикр ривожланишидаги ўрни ва роли. Унинг сиёсий ҳодисаларга янгича ёндашуви. Ислом Каримов – демократияга ўтиш “Ўзбекистон модели”нинг асосчиси. “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” концепция. Ҳаракатлар стратегияси – Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичи. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойилининг мазмун-моҳияти. Янги Ўзбекистондаги демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар.

## III. Амалий машғулотлари буйича кўрсатма ва тавсиялар

### *Семинар машғулотлари*

Семинар машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:
1-мавзу. Сиёсий таълимотлар тарихи фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.
2-мавзу. Қадимги Шарқ сиёсий таълимотлари.
3-мавзу.Қадимги Ҳиндистондаги сиёсий фикрлар шаклланиши.
4-мавзу. Қадимги Хитойдаги сиёсий фикрларнинг шаклланиши.
5-мавзу. Қадимги Юнонистондаги сиёсий фикрларнинг вужудга келиши ва ривожланиши.
6- мавзу. Римдаги сиёсий таълимотлар.
7-мавзу. Ўрта асрларда Европадаги сиёсий ғоялар.
8-мавзу. Араб-мусулмон дунёсидаги сиёсий фикрларнинг шаклланиши.
9-мавзу.Ўрта асрларда Марказий Осиё мутаффаккирларнинг сиёсий таълимотлари.
10-мавзу. Абу Наср Форобийнинг сиёсий таълимоти. Фозил жамият ва ундаги сиёсий муносабатлар.
11-мавзу.Уйғониш ва ислоҳотчилик даврининг сиёсий таълимотлари.
12-мавзу. Янги давр сиёсий таълимоти.
13-мавзу.Маърифатчилик даври сиёсий таълимотлари.
14-мавзу. АҚШ сиёсий таълимотлари тарихи.
15-мавзу. Янги даврдаги Ғарбий Европада сиёсий таълимотлар ривожи.
16-мавзу. XVII – XIX асрларда Марказий Осиёдаги сиёсий таълимотлар.
17-мавзу. XX аср Ғарбий Европа сиёсий таълимоти.
18-мавзу. XX аср бошларида жадидларнинг сиёсий қарашлари.
19-мавзу. XX асрда Ҳиндистон ва Хитойдаги сиёсий ғоялар ва таълимотлар.



20-мавзу. XX асрдаги замонавий сиёсий назария ва таълимотлар.
21-мавзу. XX асрдаги сиёсий замонавий концепциялари.
22-мавзу. Жаҳон сиёсати назариясининг XXI асрдаги муаммолар ва ечимлари.
23-мавзу. XX-XXI асрларда Ўзбекистондаги сиёсий фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши.

Семинар машғулотлари мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилади. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилади, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилади.

## IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Сиёсий таълимотлар тарихи фан сифатида.
2. «Авесто» ва ундаги сиёсий – ҳуқуқий тасаввурлар.
3. « Хаммурапи қонунлари » - Бобил сиёсий фикрининг муҳим ёдгорлиги.
4. Қадимги Шарқда сиёсатга доир тасаввурлар шаклланишининг тарихий ва сиёсий шарт-шароитлари.
5. Қадимги Ҳиндистондаги сиёсий ғоялар.
6. Қадимги Хитойдаги сиёсий таълимотлар.
7. Конфуций – инсониятнинг буюк мутафаккирларидан бири
8. Қадимги Юнонистонда сиёсий фикрлашнинг ривожланиши.
9. “Етти донишманд”
10. Эллинизм даври сиёсий таълимоти.
11. Қадимги Юнонистон сиёсий фикрларининг ривожланган даври.
12. Аристотель ва ва унинг “Сиёсат” асари”.
13. Солон ислоҳоти ва унинг аҳамияти
14. Платон ва унинг “Давлат” асари.
15. Қадимги Римда сиёсий тафаккурлаш ва унинг турли йўналишлари.
16. Цицероннинг сиёсат ва давлатга оид қарашлари.
17. Фома Аквинскийнинг сиёсий қарашлари.
18. Ўрта Осиёда сиёсий фикрлар тарихи.
19. Ислом сиёсий фикрлаш тараққиёти.
20. Ислом сиёсий-ҳуқуқий мафкураси.
21. Абу Наср Форобийнинг сиёсий таълимоти.
22. Фозил жамият ва ундаги сиёсий муносабатлар.
23. Низомумулкнинг “Сиёсатнома” асари ва унинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти.
24. Ибн Рушднинг ижтимоий-сиёсий таълимоти.
25. Ибн Халдуннинг сиёсий таълимоти.
26. Юсуф Хос Ҳожиб – туркий халқларнинг буюк адиби. Унинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) асарида давлат ва сиёсат масалаларининг